

Мустақиллик берган имконият ва дидактиканинг тараққиёти

**Сафарова Р.Ғ. “Умумий ўрта таълим
мазмунини модернизациялашнинг
дидактик параметрлари ва стратегиясини
белгилаш” лабораторияси мудири,
педагогика фанлари доктори, профессор**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида мустақиллик туфайли қўлга киритилган имкониятларга юксак баҳо бериб, қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий кадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини шисоубга олган шолда, мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон шайтни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро шамжамият тан олгани – бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун шаммамиз чуқур англаймиз”¹.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим жараёнини илмий методик жищатдан таъминлаш, янги авлод дарсликларини яратиш, ДТС, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”² орқали қонуний асосга эга бўлди.

Мустақиллик йилларида дидактика педагогиканинг муштим тармоғи сифатида республикаимизнинг таълим тизими ва ўқув жараёнининг назарий муаммоларини кенг кўламда тадқиқ этишга сафарбар қилинган. Чунки дидактика ўқувчиларни қандай мақсадда, қай тарзда, қандай восита ва усуллар ёрдамида ўқитиш ва шар томонлама баркамол шахс сифатида ривожлантириш лозим, деган саволга жавоб изламоқда.

Мустақиллик йилларида хусусий методика шам салмоқли даражада ривожланди. Барча ўқув предметлари бўйича ўқитиш концепциялари, ДТС лари, таълим технологиялари, интерфаол усуллар ишлаб чиқилиб мунтазам

¹ И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. 3-бет.

² Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: Шарқ, 1997.

модернизациялаштирилмоқда. Турли ўқув фанлари бўйича ўқувчилар билимини баҳолаш механизмлари яратилди. Шу тариқа умумий дидактика изчил тарзда хусусий дидактика учун назарий асосни вужудга келтирди.

Мустақиллик йилларида дидактик тизим тушунчасининг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан мушмиллиги тўла-тўқис намоён бўлди. Эндиликда дидактика ўқув жараёнининг шар бир қисмини тўлиқ таҳлил қилиш имкониятида эга. Шу билан бир қаторда, ўқув жараёнининг барча қисмлари орасидаги ўзаро алоқадорлик таҳлил этилмоқда. Шу билан бир қаторда, дидактикада тизимдаги алоҳида ўқитиш жараёни, ўқув жараёнини ўзига хос тарзда лойиҳалаш имкониятлари вужудга келди.

Дидактикага оид ёндашувларда ўқув жараёни психологик-педагогик концепцияларга таяниши асослаб берилмоқда. Бу эса ўқитиш моделларини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш имконини бермоқда. Улар таълим мақсадлар, таълим мазмуни, ўқитиш воситаларининг назарий жиҳатдан асосланишида ўз ифодасини топи. Дидактик тизимдаги ютуқларни умумлаштирган ҳолда унга асосий ҳолатни ажратиб кўрсатиш мумкин: анъанавий, педагогик марказлашган ҳамда шахсга йўналтирилган замонавий дидактик тизим каби.

Анъанавий дидактик тизимда ўқитиш ва ўқитувчининг ўрни мушмил аҳамиятга эга бўлса, педагогик марказлашган дидактик тизимда ўқитиш ва ўқувчи фаолияти асосий ўринни эгаллайди. Шахсга йўналтирилган замонавий дидактик тизимда таълим бериш, ўрганиш, ривожлантириш ягона занжирни ташкил этиб, ўқувчининг имкониятларини рўёбга чиқаришга йўналтирилгандир.

Мустақиллик йилларида замонавий дидактик концепция доирасида бир қатор ёндашувлар илгари сурилдики, улар сирасига ўқув материалларини дастурлаштириш, муаммоли таълим, корпоратив ёндашувга асосланган ривожлантирувчи таълим, когнитив ёндашувга асосланган ўқитиш, илғор педагогик технологияларни қўллаш асосида ўқув жараёнини

оптималлаштириш, шамкорлик педагогикаси асосида ўқувчига таълим бериш кабиларни киритиш мумкин.

Мустақиллик йилларида таълимнинг мақсади тубдан янгиланди. У ўқувчиларда нафақат билимдонликни шакллантириш, балки уларнинг интеллектуал, меънатсеварлик, ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилди.

Таълим мазмуни асосан ўқув предметлари мазмунини ўзида мужассамлаштиради. Бугунги кунга келиб таълим мазмунини интеграллашган курслар сифатида унификациялашга кучли эътиёж сезилмоқда. Таълим унинг мақсади ва мазмунига тўлиқ мос келиши керак. Шундагина у иккиёклама характерга эга бўлади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятига рағбатлик қилар экан, бу жараёни ташкил этади ва амалга оширади. Айни бир вақтда у ўқувчиларни мустақил ишлашга йўналтиради. Ташлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ўқув жараёни ҳамда дидактиканинг бошқа қўлаб муаммолари ўз ечимини кутмоқда. Биз қуйида улар ҳақида батафсил фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Таълимнинг мақсади – педагогик тизимнинг мушаммал аниқловчи таркибий қисми ҳисобланади. У ижтимоий буюртма билан боғлиқ ҳолда шакллантирилади. Таълим мақсадида мустақил Ўзбекистон жамиятининг баркамол шахсни шакллантириш жараёни олдига қўйган асосий талаблари мужассамлашган бўлади. Педагогик тизим мақсадини белгилаш учун психологик-дидактик билимларни ойдинлаштириш талаб этилади.

Мутахассислар таълим мақсадига икки нуқтаи назардан туриб ёндашадилар. Биринчи ёндашув тарафдорлари таълимнинг мақсади – инсон тафаккури, хотираси ва бошқа хусусиятларини ривожлантиради, дейишади. Иккинчи ёндашув таълимнинг мақсади фан асосларини ўзлаштиришдан иборат, деган ҳолатда ўз ифодасини топган. Бу жараёнда ўқувчиларда ҳаёт учун зарур бўлган аниқ билимлар шакллантирилади.

Замонавий дидактика шахс билимларни ўзлаштирмасдан туриб баркамоллик даражасига эриша олмайди, деган илмий фаразга таянади. Шунинг учун ҳам таълимнинг мақсади қуйидагиларда ойдинлашади:

- табиат, жамият, фан-техника, маданият ва тарихий жараёнларга оид билимларнинг муайян даражасини ўзлаштиришни таъминлаш, чунки мазкур билимлар ўқувчиларни истиқболда фаолият кўрсатиш ва яшашга мослаштиради;

- ўқувчиларнинг қизиқишлари, лаёқатлари, тафаккури, диққати, гидроки, хотираси, шиссиётлари, эрки, билиш ва амалий кўникмалари ривожланишини таъминлаш, чунки ўқувчининг тафаккури ривожланган сари у янгидан-янги билимларни ўзлаштиришга эҳтиёж сезади;

- ўқувчиларда дунёқараш, ахлоқ, нафосат шисси каби қадриятлар ва сифатларнинг таркиб топишига эришиш;

- мустақил билим олиш, ўрганишга эҳтиёж ва кўнималарлар шосил қилиш, ахборотлар ва ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш; мазкур вазифа шуқуқий-демократик жамият қуриш жараёнида узлуксиз таълимнинг барча босқичлари учун мушмил бўлиб, шозирги даврда билимлар жадал тарзда эскиришини назарда тутган шолда мустақил ўқиш ва зарур билим, кўникмаларни эгаллашга мунтазам эҳтиёж мавжуд;

- саноат ва бошқарув сошаси учун зарур бўлган асосий билим ва мешнат кўникмаларини эгаллаш эҳтиёжидан келиб чиққан шолда таълим мақсадларини белгилаш алошида ашамият касб этади.

Ўқувчиларда техник қурилмалар, электрон воситалардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ҳам даврнинг долзарб талабларидандир. Билиш гурушига қирувчи мақсадлар йиғиндиси билимларни ўзлаштиришда биринчи даражали ашамиятга эга. Шу нуқтаи назардан интеллектуал кўникмаларнинг ривожланиши қуйидагиларда намоеън бўлади:

1. **Билимлар.** Ўқувчилар далиллар, атамалар, назариялар, методлар, тамойилларни билиб оладилар.

2. **Тушуниш.** Ўқувчилар маълумотлардан келиб чиқадиган шодисалар орасидаги алоқадорликни изошлайдилар, материалларни шакллантирадилар, кузатишларини тасвирлайдилар.

3. **+ўллаш.** Ўқувчилар тушунчалар, тамойиллар, муайян вазиятларда қоидалардан фойдаланадилар.

4. **Тащлил.** Ўқувчилар яширин гаплар, унинг мавжуд белгилари, фикр-мулошазаларнинг мантикий асосларини ажратадилар.

5. **Умумлаштириш.** Ўқувчилар иншолар ёзадилар, тажриба-синов режаларини амалга оширадилар, турли сошгага оид билимларга таянган шолда муаммоларни шал қиладилар.

Мақсад қўйишда педагоглар якуний натижани назарда тутган шолда йўналиш олишлари лозим. Ўқувчининг шолати, режалаштирилган ўқув-тарбиявий таъсир кабилар шам назарда тутилади. Мақсаднинг тўғри қўйилиши таълим мазмунининг мақсадга мувофиқ танланишига асос бўлади. Мақсад асосида дидактик бирликлар ва алошида дарслар ажратилади. Шу тариқа, таълимнинг мазмуни унинг бошқа қирраларини ойдинлаштиришга шам хизмат қилади. Бунда биринчи навбатда таълим мазмуни назарда тутилади.

Таълим мазмуни дидактиканинг етакчи муаммоси бўлиб, унинг ёрдамида ўқувчилар илмий билимлар тизимини ўзлаштирадилар, билиш кўникмалари ва малакаларини эгаллайдилар. Улар асосида ўқувчиларда дунёқараш, ахлоқий-эстетик ғоялар, ижтимоий, ижодий, билиш тажрибалари таркиб топади.

Таълим мазмуни илмий билимлар тизими, кўникма ва малакалар, ўқувчининг дунёқарашини, ахлоқий-эстетик шамда ижодий тажрибасини ва шахсий сифатларини демакдир. Дидактикада бугунги кунга қадар таълим мазмунини танлашга оид бир қатор концепциялар асосланган бўлиб, мустақиллик йилларида узлуксиз таълим мазмунини танлашда мазкур концепцияларга амал қилинди. Чунки ушбу концепцияларда ўқувчиларга

тақдим этиладиган билимлар ва уларни ўзлаштириш изчиллиги асослаб берилган.

Жамиятнинг битирувчилар олдига қўяётган ижтимоий, касбий, маданий талаблари таълим мазмунида ўз ифодасини топишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим жараёнида ўқувчилар фаолиятнинг турли турлари: билиш, касбий, ижтимоий, маданий, бўш вақтни ташкил этиш, шахсий-оилавий, ўз устида мустақил ишлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига тайёр бўлишлари лозим.

Таълим мазмунини танлашнинг иккинчи муҳим омили илмийлик тамойилига асосланганлигидир. Жумладан, таълим мазмунининг замонавий техника, технология, ахборотлар оқими ва маданиятга мослиги, таълим мазмунини белгилашда тизимлилик, изчиллик, илмийлик тамойилларига амал қилиш бугунги кунда биринчи даражали аҳамиятга эга.

Таълим мазмунини танлашдаги учинчи омил таълимнинг турли босқичларида унинг мазмуни ўқувчиларнинг руҳий имкониятлари ва интеллектуал ривожланиш даражаларига мос келишини таъминлашдан иборат.

Жамият аъзоларининг таълим олишга бўлган эътиёжини таъминлашда давлатнинг вазифаси уларнинг эътиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим стандартларини мунтазам такомиллаштириб боришдан иборат. Бунда муайян ўқув дастурларини таълим олувчилар ва жамиятнинг эътиёжларини ҳисобга олган ҳолда мунтазам модернизациялаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки таълим дастурлари унинг мазмуни ва даражасини белгилайди. Ўқув дастурлари таълим босқичларининг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тузилади ва мунтазам модернизациялаштирилади.

Мустақиллик йилларида таълим мазмуни бир қатор шуқуқий-меъёрий асослар: Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури”, Педагогика фани концепцияси, барча ўқув фанлари бўйича таълим концепциялари, Бошланғич таълим концепцияси, ДТС лари, илмий методик

мажмуалар, ўқув режаси, ўқув дастурлари, дарсликлар ва бошқа ўқув адабиётларида ўз ифодасини топди.

Таълим мазмунини танлашда рангба-ранглик ва эркинликни таъминлаш мақсадида дарсликлар яратишнинг тендер тизими жорий этилди. Умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув режалари ўзида ўқув юкламасини ифодаловчи мушмил шужжатдир. Ўқув юкламаларининг муайян ўқув йилида шар бир ўқув предмети учун тақсимланиши шам алоҳида дидактик ашамият касб этади. Мустақиллик йилларида ўқув режасида янги жамият кишисига таълим-тарбия беришга йўналтирилган ўқув предметларининг миқдори кескин тарзда ошди. Булар Конституция алифбоси, Одобнома, Ватан туйғуси, Миллий ғоя ва маънавият асослари, Иқтисодий билим асослари, Шуқуқий билим асослари, Дунё динлари тарихи кабилардир.

Ҳар бир ўқув дастурида муайян ўқув предметининг тавсифи ўз аксини топади. Унда ўрганилаётган ўқув фанининг мавзулари ва мароми акс этган. Шу билан бир қаторда, шар бир мавзу ва бутун ўқув курси бўйича тавсиялар баён этилади.

Ўтган 20 йил мобайнида яратилган ўқув дастурларида замонавий дидактиканинг барча ютуқлари ва таълим мазмунини танлаш соҳасидаги замонавий ёндашувлар ўз ифодасини топди. Жумладан, бу даврда яратилган дастурлар асосан учта дидактик тамойилга таяниши билан ашамиятлидир: тизимлилик, концентризм шамда спиралсимон.

Тизимлиликка асосланган ўқув дастурида ўқув мавзулари кетма-кет, изчил тарзда берилади. Концентризм тамойилига асосланган дастурларда эса, алоҳида мавзулар ёки қисмлар блок шаклида, оралиқ масофани сақлаган шолда тақдим этилади. Улар янги даражада бир неча маротаба такрорланган шолда берилади. Спиралсимон дастурларда эса, ўқув материаллари муайян кетма-кетлик ва даврийлик асосида тақдим этилган.

Мустақиллик йилларида ўзбек дидактикаси ўқув методик мажмуаларни илмий асосларга таянган шолда яратишда том маънода мустақилликка эришди. Уларда ўзбек халқининг тарихий тажрибаси, қадриятлари, маданият

бойликлари ўз ифодасини топди. Халқнинг кўп асрлик тарихий тажрибаси дидактика таянадиган энг мушм методологик асослардан бирига айланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг қарори, 1999 йил 16 август // Халқ таълими. – 1999. – №5. – Б. 4-5.
2. Р.Сафарова, У.Мусаев ва б. Умумий ўрта таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик параметрлари. –Т.: Фан, 2008. 222 б.
3. Йўлдошев Ж./. Таълим янгилашиш йўлида. – Тошкент: Ўқитувчи, 2000. – 207 б.
4. Очилов М. Муаллим-қалб меъмори. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
5. Розиков О., Оғаев С., Маъмудов М., Адизов Б. Дидактика. – Тошкент: Фан, 1997. – 256 б.
6. Маъмудов М.Ш. Таълимни дидактик лойищалашнинг назарий асослари: Дис. ... пед. фан. док. –Тошкент: 2003. – 342 б.
7. Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари: Пед. фан. ном. дис. Автореферати. – Тошкент: 2003. – 44 б.